



**Қайрағоч баргхўрининг (GALERUCELLA LUTEOLA MULL) Хоразм
вилояти шароитида тарқалиши.**

Б. Раматов. УрДУ Ургенч.

Аннотация: Мазкур мақолада Хоразм вилояти шароитида қайрағоч баргхўр қўнғизининг тарқалиши ва ривожланиш динамикаси кўрсатилган.

Аннотация : В данной статье показано распространение и динамика развития карпового листоеда в Хорезмского областях.

Annotation: This article shows the distribution and development dynamics of the carp leaf-eating beetle in Khorezm region.

Калит сўзлар: Қайрағоч, зараркунанда, личинка, тухум, имого, авлод, оила.

Ключевые слова: Личинка, вредитель, личинка, яйцо, образ, поколение, семья.

Key words: Larva, pest, larva, egg, image, generation, family.

Қайроғоч баргхўри (GALERUCELLA LUTEOLA MULL) бутун Ўзбекистоннинг қайроғоч дарахти ўсадиган худудида тарқалган зараркунанда ҳисобланади. Айниқса Ўзбекистоннинг шимолий вилоятларида кенг тарқалган. Бу зараркунанда аҳоли яшайдиган жойларда ва шаҳар ичида ўсадиган қайроғоч ўсимликларини кўпроқ зарарлайди. Зараркунандани ўсимликка зарар келтирадиган даври бу личинка ҳолати ҳисобланади. Личинкалар ўсимлик баргининг юмшоқ қисмини еб пастки эпидермисни ва томирларни қолдиради. Қайрағоч баргхўрини ёппасига кўпайган йиллари шаҳар ичидаги қайрағочлар оқ рангга кириб қолади. Натижада қайрағочни иккиламчи зараркунандалар билан зарарланишга мойиллигини ортишига сабабчи бўлади. Жорий йили шаҳар ичида ва атрофида ўсаётган қайрағоч дарахтлари қайроғоч баргхўрлар билан кучлироқ зарарланишига сабабчи бўлди. Дарахтларнинг ёғочларини зарарловчи зараркунандалар (*Cerambycidae*) оиласи 15000 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Уларнинг личинкалари дарахтни танасида, пўстлоқлар остида ва бошқа ерларда ҳаёт кечирилади.



Қўнғизлари баргларга 40 тадан тўп-тўп килиб тухум кўяди. Тухумлари тўксарик рангда. Қўнғизлар июн ойининг иккинчи ярми, июл ойининг биринчи ярмида биринчи авлод тухумларини кўяди. Тухум кўйган қўнғизлар июл ва август ойларида нобуд бўлади. Табиатда қўнғизларнинг биринчи авлоди август охирида пайдо бўлади ва сентябрга бориб қўнғизлар қишлоқ учун дарахт ёриқларига кириб кетади. Шундан қилиб қайроғоч баргхўри бир йил давомида икки авлод бериб кўпаяди.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра 1936 йил Тошкент шаҳридаги қайроғоч дарахтларига зараркунанда катта зарар келтирган.

1917 йилда эса шаҳардаги барча парк ва хиёбонлардаги дарахтларни умуман кучли зарарлаган.

Қайроғоч баргхўри зараркунандасининг бу тури Ўрта Осиёда кенг тарқалган. П.П.Архангельский маълумотларига кўра қайроғоч баргхўри Ўзбекистоннинг аксарият туманларида аниқланган ва қайроғоч дарахти ўсган текислик ва тоғ зоналарининг ҳамма жойида учрайди.

Дарахт зараркунандаларини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқот ишлари маълум. (Гусев, 1964., 1987., Шербакова, 1980., Василев, 1984., Жарков, Тварадзе 1984., Ганиев, 1986., Кадыров., 1988, 1989.).

Шу сабабли қайроғоч баргхўр қўнғизининг ривожланишини ўрганиш юзасидан Хоразм вилоят туманларида изланишлар олиб бордик. Изланиш натижаларига кўра 2023 йил қайроғоч баргхўр қўнғизлари апрел ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб учиб чиқа бошлади. Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида улар ёппасига тухум кўя бошлади. Май ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб уларнинг тухумлари сони, личинкалар кўплиги ва янгидан кўйилган тухумлар сонига нисбатан кўп бўлганлиги сабабли камая борди. Қўнғиз тухумлари дарахтларда июл ойининг иккинчи ўн кунлигигача учради.



Қайрағоч барғларида май ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб личинкалар пайдо бўла бошлади. Личинкалар сони май ойининг иккинчи ўн кунлигида дарахт барғларида 100 дан ошиб максимал даражага етди. Май ойининг учинчи ўн кунлигида уларнинг сони кескин камайиб кетиши кузатилди. Камайиш жараёни июн ойининг биринчи ўн кунлигигача давом этди. Июн ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб яна личинкалар сони орта борди. Июл ойининг биринчи ўн кунлигидан личинкалар сони камая бошлади. Июл ойининг учинчи ўн кунлигида личинкалар дарахт барғларида учрамади.

Қайрағоч дарахтлари барғларида барғхўр қўнғизлар сонининг ўзгариши июл ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб учрамаслик сабабларини ўрганиш зарур. Бизнинг фикримизча бу ходиса дарахтнинг физиологик ҳолати ва дарахтда энтомофагларнинг сонини ўзгариши билан боғлиқ. Бу борада лойиҳанинг кейинги босқичларида изланишлар олиб борилади.





Қайрағоч барғхўр қўнғизларини ривожланиш фенологик календари.

Авлодлари	Ойлар																	
	Апрел			Май			Июн			Июл			Август			Сентябр		
декадалар	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
Қишловдан чиққан қўнғизлар		+	+	+	+	+	+											
												
				-	-	-	-	-										
							0	0	0									
							*	*	*	*								
													
Биринчи авлод							-	-	-	-	-							
									0	0	0	0						
											+	+						
															
												0	0	0				

+ қишловдан чиққан қўнғизлар, ... тухум, - личинкалар, 0 - ғумбак, * қўнғизлар



Қайрағоч баргхўр қўнғизининг ривожланиши 2023 йил





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимухамедов С. Н., Ходжаев Ш. Т. – - Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Тошкент. 1980.
2. Б. Рамагов, Р. Рўзметов, А. Машарипов Сўқир қандалалар(miridae) ва уларни Хоразм вилояти шароитида тарқалиши. Республика микёсидаги анжуманда ХХI-аср – интеллектуал авлод асри Ёш олимлар ва талабаларнинг худудий илмий-амалий анжумани материаллари. Ал-Хоразмий нмли Урганч Давлат университети 13-14 июн 2013й
3. Рамагов Б, Р. Рузметов, А. Машарипов Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш бўйича услубий қўлланма 110 бет УрДУ нашрети 2012 й.